# ОРЗУЛАРГА ЭРИШИБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Асло йўқ, — дейди у қатъий, — сиртдан ўқийман. Очиғини айтсам, аскарликни бошлаганимда армияда шартнома бўйича хизматда қолиш ҳаёлимга ҳам келмаган. Фикру ҳаёлим тезроқ муддатли хизматни тугатиб, ўқишни давом эттириш эди. Аммо, беш-олти ой ўтгандан сўнг фикрим бутунлай ўзгарди. Музаффар Ҳамроқулов, Аҳрор Эргашев, Абдуғофир Бердиқулов каби кўплаб дўстлар орттирдим. Аскарий биродарлик нима эканлигини англаб етдим. Мураккаб техникалар, махсус алоқа воситалари билан ишлаш жараёнида ҳарбийча янги касбимга меҳр уйғонди. Бугунги кунда менга командирларимиз радиостанция катта механиклигини ишониб топширишган. Мени янги ютуқлар сари руҳлантираётган, ҳарбий хизмат сир-синоатларини ўргатган, касбий малакамни оширишда яқиндан ёрдам беришган устоз командирларимга, жумладан радиомарказимиз бошлиғи катта лейтенант Иқбол Умаровга, аппарат бошлиғи шартнома бўйича хизмат катта сержанти Шуҳрат Алихоновларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Капитан А. УСМОНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# РАЗВЕДКА БОЕМ

Отдыхающая смена спецназовцев во главе с капитаном Р. Хайдаровым была поднята по тревоге задолго до заступления в утренний наряд.

Впрочем, в парк машин механикам-водителям убывать не пришлось, ведь данное действие происходило в горной, труднодоступной местности, и вставать им пришлось не с коек, а с оборудованных из местного сырья кроватей. Заданный район, где должен быть развернут блокпост, находился высоко в горах, на солидном расстоянии. Марш-бросок стал серьезным экзаменом для всего личного состава. Дело в том, что при следовании в район спецназовцам пришлось решать немало вводных, а также проверить свои знания в топографии, ориентировке на местности. И их своевременное и точное выполнение требовало особых усилий и сноровки.

Марш проходил в сложных условиях горной местности и создал ряд дополнительных трудностей. Но несмотря на сложности подразделение вышло в район точно в срок.

Прямо с марша было приказано вступить в бой. По существу, шла разведка боем в условиях, максимально приближенных к реальной обстановке. Для снайперов младших сержантов Ш. Эргашева, С. Хакимова, связиста младшего сержанта Г. Султанова, специалистов-подрывников рядовых Ш. Очилова и И. Халилова такая задача—дело обычное. Ведь их предназначение — всегда быть готовыми к самым неожиданным и нестандартным ситуациям, возникающим в ходе боя. За время службы у этих военнослужащих-контрактников было немало таких ситуаций, когда мастерство, инициатива и смекалка решали многое в достижении победы.

Свои бойцовские качества спецназовцы проявили и в этот раз. Командир в сжатые сроки вышел на связь со своими подчиненными и умело руководил их действиями в бою.

Поставленная задача была выполнена.

**Младший лейтенант**
**Х. МИРЗАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

# КУН ТАРТИБИГА РИОЯ ҚИЛИШ ТАРТИБЛИМИ?

**Шахсий таркибнинг кун тартибига риоя қилиши, риоя қилганда ҳам ҳар он, ҳар дақиқанинг қадрига етиб, эъзозлаб, қатъий амал қилиши жанговар шайликнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Одатда, кун тартиби ўқув режасига мувофиқ, илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилади. Кун тартиби ҳафталик, ойлик бўлиши мумкин. Унда шахсий таркибнинг йигирма тўрт соатлик фаолияти ҳар томонлама қамраб олинади. Чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, ҳаракатнинг ҳар бир йўналиши, ювиниб-тараниш, овқатланиш, машғулотларда иштирок этиш, дам олиш маълум вақтга белгиланган, тартибга солинган бўлади.**

— Мен,— дейди оддий аскар Руслан Шарипов,— ўн беш ой ўз йигитлик бурчимни ўтаб қўйдим. Бир нарсани ишонч билан айтишим мумкин, ана шу вақт ичида мен ўзим бирор марта кун тартибини бузган эмасман. Бесабаб кун тартибимиз ўзгартирилган ҳолатларга ҳам дуч келган эмасман. Кун тартибига қатъий риоя этиш — аскарни интизомли бўлишга ўргатади.

— Хизмат қила бошлаганимга икки ой бўлди,—дейди оддий аскар Акбар Собиров.— Ростини айтсам, фуқаролик ҳаётим чоғида, яъни аскар бўлмасимдан олдин маълум бир тартибда ҳаракат қилмас эдим. Эрталаб хоҳлаган пайтимда уйқудан турардим. Овқатланишимда ҳам қатъий тартиб бўлмаган. Қорним очқаса бўлди, бирор нарса тановул қилиб олардим. Тўп тепгим келса, истаганча тепардим. Телевизор кўришни қўяверинг, бирор қизиқроқ томоша бўлиб қолса борми, ётиб олиб кўрардим.

Аскарлик фаолиятимни бошлаб, бир нарсага қатъий иқрор бўлдим. Кун тартибига риоя қилишда ҳикмат кўп экан. Биринчидан, вақтнинг қадрига етишни ўрганар экансиз. Иккинчидан, ўз кучингизга ишонч пайдо бўлар экан, кўп нарсаларни ўрганишга, кўп ишларни бажаришга имкон топар экансиз. Шу жиҳатдан кун тартиби менга кўп нарса беряпти.

Азиз аскарлар! Кун тартиби ҳақида икки аскарнинг фикр-мулоҳазаларини эшитдингиз. Хўш, сиз хизмат қилаётган бўлинмада кун тартибига риоя этиш қай аҳволда, шахсан сизнинг ўзингиз кун тартибига қандай амал қиляпсиз? Сизнингча кун тартибининг афзал томонлари нимада-ю, камчиликлари қаерда?

**Майор А. ОБРУЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● САФДА — ЁШ АСКАРЛАР

# ОЛДИНДАН ТАЙЁРЛАНИШНИНГ МЕВАСИ

**Қуролли Кучларимиз сафига ёш аскарлар келиб қўшилган пайтларда бизлар ҳам ҳарбий жамоаларга тез-тез сафарга чиқиб, уларнинг кўникиш вақти қандай ўтаётганидан хабардор бўлишга ҳаракат қиламиз. Ҳарбий либосни эгнига биринчи бор кийган йигитлар билан суҳбатларимдан чиқарган асосий хулосам — олдиндан тайёргарлик кўрганлар армия сафидаги илк қадамларини ишонч билан ташлаб, дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтадилар.**

Катта лейтенант Шерзод Усмонов сардорлик қилаётган комендантлик взводи жамоасида ҳам баҳорда сафга қўшилган аскарларнинг янгича ҳаётга мослашиш даври белгиланган режалар натижасида кўнгилдагидек ўтганига гувоҳ бўлдик.

— Мен армиядан олдин мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомобиль мактабида ўқиб чиққанман,— дейди Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидан хизматга чақирилган оддий аскар Моҳир Мирбобоев.— Мактабда олган билимларимни амалда ҳам синаб улгурдим. Отам билан бирга юк машинасида рейсларга чиқиб, унга ёрдам бергандим.

Танлаган касбини пухта эгаллашга бел боғлаган Моҳиржон ҳарб илмини ўрганишда ҳам яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Яқинда полигонга бориб, автоматдан отганларида олган таассуротларини аскар катта қизиқиш билан гапириб берди.

Қашқадарёнинг Касби туманида жойлашган Зумрад қишлоғидан келган оддий аскар Бекзод Сармонов кураш, волейбол каби спорт турлари билан жиддий шуғулланиб, хизматга жисмонан яхши тайёрлангани биринчи кунлардан асқотганини фахр ила тилга олди. Бўлинма командири бу йигитни ҳарбий қисм терма жамоасига киритилиши мумкинлигини таъкидлади.

Янги аскарлар орасида махсус маълумотлилари борлиги сўнгги йилларда ҳарбий жамоалар аъзоларининг билим даражалари анча ошганлигини кўрсатиб турибди. Яккабоғнинг Тўла қишлоғидан чақирилган оддий аскар Санжар Омонов Қамаши агробизнес коллежининг ҳуқуқшунослик бўлимида таҳсил олган ва мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган экан. Санжар хизматдошларига уларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини тушунтириб беришда ҳам тарбиячи офицерларга ёрдам бераяпти.

...Ҳарбий ҳаёт ёш йигитлардан қаттиқ интизомга бўйсунишни, ҳар хил мураккаб вазиятларда иродасини тоблашини талаб қилади. Шунинг учун армия сафида ўз ўринларини тез топиб олишлари учун бўлажак аскарларга хизматга олдиндан жиддий тайёрланишнинг муҳимлигини яна бир бор эслатишни афзал кўрдик. Юқорида келтирган мисоллар ҳам шуни исботлайди.

**Майор А. КАМОЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**



**Оддий аскар Зоирбек Қурбонов ҳарбий хизматга тайёргарликни эрта бошлади, десак хато бўлмайди. Чунки у муддатли хизматга қадар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги ҳайдовчилик курсида таълим олди. Курсни аъло баҳоларга тугатган йигит посбонлик бурчи давомида ҳайдовчилик касбини мукаммал эгаллаб борди. Ҳозирда Зоирбек катта ҳайдовчи вазифасида хизмат ўтамоқда.**

**— Менинг хизматдаги ҳар бир ютуғим Мустақиллигимизнинг 11 йиллигига муносиб совғамдир, — дейди у фахр билан.**

Суратда: оддий аскар З. ҚУРБОНОВ.

К. ТУРАЕВ олган сурат.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

# ЛАЙЛО ОРОЛИ КИМНИКИ?

Марокаш ҳукуматининг ўтган ҳафта қабул қилган қарори туфайли Испания билан ушбу мамлакат ўртасида зиддият вужудга келди. Куни кеча марокашлик бир гуруҳ ҳарбийлар Ўртаер денгизидаги 14 гектарлик Лайло (Перехил) оролига тушган эди. Бу Испаниянинг норозилигига сабаб бўлди. Чунки Испания ҳам оролга даъвогарлик қилиб келади.

Мазкур орол XVII асрдан буён Испания қўл остида эди. Бироқ у Марокаш сув ҳудудларида жойлашган. Марокашликларнинг таъкидлашича, мамлакат 1956 йилда мустақилликни қўлга киритгач, Лайло ороли ҳам табиий равишда Марокаш таркибига ўтиши лозим эди. Ҳозирча оролнинг расмий мақоми белгиланмаган. Шундай экан, кузатувчиларнинг фикрича, оролга ҳарбийлар киритилмаслиги керак эди.

Айни дамда кузатувчилар инсон яшамайдиган ёввойи орол нима учун бирданига эсга тушиб қолгани ҳақида турли мулоҳазаларни ўртага ташламоқда. Уларнинг баъзилари Марокаш бу ҳаракати билан ўз таъсир доирасини кенгайтирмоқчи, деса, бошқалари Испания бекор ётган оролдан қандайдир манфаат кўзлаб турибди, демоқда. Расмий Работ вакилларининг баёнот беришича, Марокашнинг мақсади оролда қўриқлов-назорат бўлинмасини ўрнатишдан иборат. Чунки Гибралтар бўғозида террорчилик уялари пайдо бўлишига қарши ҳамда ноқонуний муҳожирларнинг йўлига тўсиқ қўйиш учун у ерга ҳарбийлар жўнатилиши зарур.

Расмий Работнинг режаси ҳар қанча хайрли бўлмасин, Испанияга маъқул тушмади. Бунинг устига, марокашлик ҳарбийларнинг нафақат Лайло ороли, балки унга яқин бўлган Чафаринас оролларига ҳам жойлашиб олгани маълум бўлгач, расмий Мадрид чинакамига ташвишга туша бошлади.

Хуллас, Испания дастлаб Марокашдан оролни тарк этишни талаб қилди. Сўнгра у ерга ўз ҳарбийларини жўнатди. Бироқ Марокаш аскарлари оролни барибир тарк этмаяпти.

Шунга қарамай, Испания ҳукумати яқин кунларда ушбу можаро тинч музокара йўли билан ҳал этилишига умид билдирмоқда. Нима бўлганда ҳам, Марокашнинг кутилмаганда бундай йўл тутиши Европа Иттифоқини ташвишга солмоқда. Марокаш Бош вазири Абдураҳмон Юсуфий Еврокомиссия раҳбари Романо Проди билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, Марокаш томони ҳам можаронинг тезроқ ечим топишидан манфаатдор эканини маълум қилган.

**Ш. МАТНАЗАРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

